

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 748-ҳадис

748 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: «مَا عَابَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ طَعَامًا قَطُّ، إِنَّمَا اشْتَهَاهُ أَكْلَهُ، وَإِنْ كَرِهَهُ تَجْهُهُ» مُتَقَوِّقٌ عَلَيْهِ [خ 5409، م 2064].

748. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам ҳеч қачон таомни айбламаганлар. Иштаҳалари тортса, ердилар, ёқтиирмасалар, тарк қилардилар».

Мұттафақұн алайҳ.

Шарх: Ҳар қандай ҳалол таом банда учун Аллоҳ таолонинг неъмати ҳисобланади. Ҳар қандай неъмат учун банда Аллоҳ таолога шукр қилиши лозим. Фақат нонқұр инсонгина шукр ўрнига, таомни айблашга ўтади. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам доимо шукр қилувчи банды бўлганлар.

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳеч қачон, ҳеч қандай таомни айбламадилар».

Ҳа, У зот умрларида бирор таомни айбламаганлар. Бу ҳақиқатни унинг устида туриб кўрганлардан бири, улкан саҳобий Абу Ҳурайра розияллоху анху айтмоқдалар. Дўсту душманнинг ҳузурида айтмоқдалар. Агар бу гапда заррача шубҳа бўлса, дарҳол Абу Ҳурайра розияллоху анхуга эътиroz билдирилиши турган гап эди.

Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламга эргашган ҳолда мусулмон киши таомни айбламаслиги лозим. Чунки таомни айблаш мутакаббирлик ва ҳаддан ошишлик белгисидир.

«Агар иштаҳалари тортса, ердилар. Кўнгиллари тусамаса, тарк қилар эдилар».

Шунинг учун У зотнинг умматлари бўлмиш сиз билан биз мусулмонлар ҳам ўз Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан бу борада ҳам ўрнак

ОЛМОҒИМИЗ ЛОЗИМ.

Манба: hadis.islom.uz

